№51 (329)

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

2002 йил 18 декабрь

Чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2

* Диёримиз - энг чиройли, одамларимиз - энг яхши!
* Ота-бола оқсоқоллар...

3

* Дунё бўйлаб... велосипедда!
* Тўй ўтар, «қарз» ғавғоси эса...

4

* Қишлоқ йўлларини кезганда...
* Кучли бўлсанг - ғазабингни енг!

«ОБОД МАҲАЛЛА»НИ ЮРТИГА, ХАЛҚИГА МЕҲР ҚЎЙГАН ИНСОНЛАР БАРПО ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш заруратини инобатга олиб:

1. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилсин.

2. «Обод маҳалла йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

- маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини аниқлаш; мазкур институтнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқарув тизимида ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиб берадиган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳокимият тизими - туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ва нодавлат тузилмалари, шу жумладан, уйжой мулкдорлари ширкатлари билан ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш; бу борадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, маҳалла ва юқорида зикр этилган органларнинг ваколат ва масъулиятларини, маҳалланинг фуқаролик ҳокимияти институти сифатидаги ҳуқуқий мақомини, маҳалла қўмиталарининг штатларини ва ташкилий тузилмасини қатъий белгилаб берадиган янги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- маҳалланинг моддий ва молиявий асосларини, бюджетини /даромад ва харажатлари/, мазкур маблағларни сарфлаш ҳамда ўз балансидаги асосий фондлардан фойдаланиш ҳуқуқи белгилаб берилишини кўзда тутган ҳолда, унинг ҳуқуқий мақомини аниқ маъно-мазмун билан тўлдириш юзасидан танқидий таҳлил ўтказиш;

- маҳалланинг хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, бизнес, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни спортга жалб этиш борасидаги ҳуқуқлари ва амалий ролини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- маҳалланинг маънавий соҳадаги, ахлоқий тарбия ва энг яхши миллий анъаналарни мустаҳкамлашдаги ўрнини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Маҳалла ва унинг тузилмалари томонидан аҳолига анъанавий урф-одатлар, тўй-маъракалар, дафн маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, умуман мамлакат аҳолисининг муайян тоифаларига молиявий-моддий ёрдам кўрсатиш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун маблағ ажратиб топиш, унинг манбаларини аниқлаш Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига топширилсин:

а) кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган кекса фуқароларга, шунингдек, ёш оилаларга амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш;

б) ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, тозалаш, ободонлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар, коммунал хизмат тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш;

в) маҳалла гузарлари ва аҳолининг кундалик турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш;

г) маҳалла инфратузилмаси иншоотларини молиялаштириш ва қурилиш тижорат тузилмалари, жамоат бирлашмалари ҳамда жамғармаларининг имкониятларидан фойдаланиш.

4. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддат ичида «Обод маҳалла йили» дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Шу муддат ичида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси анъанавий удумлар, тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур дастур пировард натижада аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга, унинг жойлардаги жамоа бўлиб яшаши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқариш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 декабрь.

Эшигимизни қоқиб кириб келаётган йил - «Обод маҳалла йили». Хўш, қандай маҳаллани обод дейиш мумкин? Президентимиз айтганларидек, маҳалланинг ҳар жиҳатдан ободлигига эришиш учун нималар қилишимиз лозим?

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган катта анжуманда худди шу савол кўндаланг қўйилди. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу семинар-кенгашга тегишли кўпгина вазирликлар раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти маҳаллалари оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, мутасадди идоралар раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари таклиф этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов, Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов иштирок этишди. Йиғилишни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев очди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб аташ ташаббуси билан чиқиб бундай деган эдилар: «Аввало шуни айтиш керакки, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади...»

Дарҳақиқат маҳалла бу кун маърифий-маънавий, ҳуқуқий ва иқтисодий тамойилларга эга бўлган қутлуғ маскан, шунингдек улкан тарбия ўчоғи ҳамдир. Шундай экан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, эндиликда давлат кўмагини янада кучайтириш, яъни маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Низомни қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳамма бош қотириши, қаттиқ ишлаши керак.

- Амалга оширилиши зарур бўлган ана шундай вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Фармойишида бирма-бир келтириб ўтилган, - дейди Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Козим ТЎЛАГАНОВ анжуманда қилган маърузасида.

- Биз маҳаллани демократия мактабига - жамиятнинг соғлом пойдеворига айлантиришимиз керак, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. - Бугунги оқсоқол маҳалладаги турли касбдаги, турлича қарашларга эга кишилар билан тил топишиши лозим бўлади. Айниқса, тўй-маъракаларни ўтказиш чоғида ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик жуда-жуда керак. Чунки, халқимизнинг анъаналарига айланиб қолган тўйлар ва турли йиғинларни ўтказишда, меъёрга амал қилиш, уларнинг ихчам ва батартиб бўлишини уюштириш маҳалла оқсоқоли ҳамда фаоллардан катта куч ва тадбиркорликни, айни пайтда ақл билан иш тутишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар ҒУЛОМОВА ўз сўзларида маҳаллада ахлоқий тарбияни йўлга қўйиш масаласига оналарни жалб этиш ва бу борада маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисларининг фаолиятини янада кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Юқорида айтилган нутқлардан сўнг қизғин муҳокама ва мунозаралар бошланиб кетди.

- «Обод маҳалла йили» дейишимизнинг ўзиёқ тарихга зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзийдиган ибора бўлди, - дейди Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги А.Навоий номли маҳалла оқсоқоли Эркин Ғуломов муҳокамада сўз олиб. - Мана шу ажойиб ғояни ўртага ташлаб, кўпчилигимизнинг кўнглимиздан кечган фикрларни айтганлари учун давлатимиз раҳбаридан бениҳоя миннатдормиз!

- Бугунги кунда, - дея ўз таклифини ўртага ташлади «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти Қибрай шаҳарчаси бўлинмаси раиси Бахтиёр Усмонов, - маҳалла фаолияти билан алоқадор бўлган ҳар бир ходимнинг малакаси, савияси, қобилияти ҳақида ўйлаш лозим.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ш.Бурхонов номли маҳалла оқсоқоли Шуҳрат Жўраев, Собир Раҳимов тумани Чуст номли маҳалланинг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Санобар Шодиева, Шайхонтоҳур тумани Илғор маҳалласи хотин-қизлар билаш ишлаш комиссияси раиси Шарифа Эгамбердиевалар эса «Обод маҳалла йили»нинг яна бошқа ўзига хос қирралари ҳақида фикрлар, таклифлар айтдилар.

Суратларда: Семинар-кенгашдан лавҳалар.
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Жиззах вилояти

«ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ДИЛИМИЗДАГИНИ ТОПДИ»

Бу сарлавҳани мен қўйганим йўқ, уни Президентимиз 2003 йилни «Обод маҳалла» йили деб эълон қилгач, жиззахликлар қалбидан чиқаётган сўзлардан топдим бу жумлани. Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳаллада бўлганимда ҳам мана шу туйғуга дуч келдим.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фозил Бобомуродов Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан республика кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллаб, «Фахрий ёрлиқ», қимматбаҳо мукофот билан тақдирланган эди.

- Маҳаллаларимизнинг обрў-эътиборини, мавқеини янада кўтаришга имконият яратилди, - деди у. - Маҳалланинг молиявий аҳволини яхшилаш, унга тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, имкониятини кенгайтириш, моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз кераклигини Юртбошимиз алоҳида таъкидладилар.

Мазкур маҳаллада 22 та кўча ва 13 нафар кўча оқсоқоли бор. Келажакда унинг ҳудудида боғ барпо этилади, маънавият-маърифат уйлари қурилади. Маҳалланинг иқтисодини мустаҳкамлайдиган цехлар очилиши кўзда тутилган. Бу режалар «Обод маҳалла» йилида амалга оширилиши мўлжаллангани ҳамда одамлар маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқ бўлган масалалар маҳаллада ижобий ҳал этилаётгани ҳам айниқса диққатга сазовордир.

- Эришган ютуқлар ўзимизники, - деб сўзида давом этди оқсоқол. - Президентимиз нутқларини ўқиб, боболарнинг неваралар олдидаги муҳим вазифаси тўй қилиб бериш эмас, балки ўзларининг ҳаётий бой тажрибасини ёш авлод қалбига сингдиришдан иборат эканлиги тўғрисида ўйлаб қолдим. Бундай ибратли кишилар бизда ҳам бор. Улар ҳар бирини тегишли хонадонларга биркитиб қўйганмиз. Шу боисдан бўлса керак, ҳудудимизда хавфли жиноятлар содир этилгани йўқ, ҳар хил оқимларга қўшилиш ҳолатлари қайд этилмади. Лекин бу - фаолиятимиз қониқарли экан, деган фикрни туғдирмайди. Биз тарғибот, маънавий-маърифий ишлар кўламини янада кенгайтириш юзасидан ҳаракат қилаяпмиз. Токи бирорта ёш бекор қолмасин, фойдали иш билан, спорт билан, ўқиш-ўрганиш билан машғул бўлсин.

Ҳозирги кунда маҳалламиз оқсоқоллари, фаолларимиз ҳар бир хонадонда бўлиб, одамларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганишаяпти. Кўпдан кўп фикр чиқади-да. Уларни жамлаяпмиз, «Обод маҳалла» йилини ўрнак бўларли тарзда ўтказиш учун ўз дастурларимизни тузиш ҳақида ўйлаяпмиз. Бунда кўпчилик фикрига таяниб иш кўрамиз.

Ўйлаймизки, 2003 йил ҳар бир ҳудудни обод маҳалла даражасига олиб чиқиш учун барча имкониятлар ишга солинадиган йил бўлиб тарихга киради.

Суҳбатдош: Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2002 йил 28-29 декабрь шанба ва якшанба дам олиш кунларини 2002 йил 30-31 декабрь душанба ва сешанбага кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

2002 йил 28-29 декабрь шанба ва якшанба дам олиш кунлари 2002 йил 30-31 декабрь душанба ва сешанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 17 декабрь.

Обуна-2003

ОБОД МАҲАЛЛАГА «Mahalla» КЕРАК!

Агар ўйлаб қарасак, инсоннинг ҳаётини, оилавий турмушини, қолаверса фарзандларининг келажагини яқиндан кузатиб борадиган, зарур пайтда қўллаб-қувватлаб, кўмак қўлини узатадиган бирдан-бир куч маҳалладир.

Демак, биз ўзимиз яшаётган маҳалла фаровонлигига, ободлигига астойдил ҳисса қўшишимиз лозим. «Менинг маҳалламда қандай ўзгаришлар юз берди? Яна нималар қилиш керак? Қандай иш юритсак, маҳалла ҳаётида улкан силжишларга эришишимиз мумкин?» Бу каби саволлар бу кун ҳар бир маҳалла кишисига тинчлик бермаётгани аён. Маҳалламизнинг ҳар томонлама намунали бўлмоғига эришишимиз учун юртимиздаги маҳаллалар ҳаёт тарзига назар ташлаш, уларнинг ибратли жиҳатларини ўрганиш ва ўз маҳалламиз равнақи йўлида ушбу тажрибаларни қўллаш ажойиб самаралар беради. Бунинг учун эса республика «Mahalla» газетасини сонма-сон кузатиб бориш зарур! «Mahalla» юртимиз маҳаллалари ҳаётини тўла акс эттирувчи ягона нашр саналади. Обуна қизғин давом этаётган айни дамларда вилоятимизда бу ишга жуда қизғин киришилган. Бўлимимиз томонидан «Mahalla» газетаси обунасини кўнгилдагидек ташкил этган жамоаларни рағбатлантириш учун бир миллион сўм миқдорида пул ажратилди. Избоскан тумани («Маҳалла» жамғармаси бўлинмасининг раиси Ш.Жалолов)даги маҳаллаларда бу иш юқори даражада амалга оширилаётганлиги сабабли қўшимча тарзда 12 та газетага обунани расмийлаштиришга кетадиган маблағ бўлимимиз ҳисобидан тўланди. Шунингдек, Кўрғонтепа ва Андижон туманларида ҳам 5-7 дона газета обунаси учун маблағни тўлашни ўз зиммамизга олдик. Келаётган йил Президентимиз ташаббуслари билан «Обод маҳалла йили» деб аталди. Энлиликда маҳаллаларнинг ташқи ва ички ободлиги учун бўлаётган саъй-ҳаракатлар янада кучаяди. Ҳар бир маҳалла бир-бирилан нимадир ўрганиб, бири-бирини тўлдириб боради. Шу тариқа янада кўркамланади. Маҳаллалар ҳаётидаги бундай туб бурилишлар эса «Mahalla» газетасида сонма-сон ёритилади. Бугунги кунда ўз маҳалласининг ободлигини орзулаган, равнақини кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир маҳалла кишиси ушбу нашрга обуна бўлиши шарт, деб ўйлаймиз. «Mahalla» 2003 йилда хонадонларга кириб борсин!» деган қатъий шиор билан иш юритмоқдамиз. Ва ушбу ниятга албатта эришамиз.

А.СОЛИЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Андижон вилояти бўлимининг раиси.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ШУНДАЙ КУНГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКР

Умрининг иккинчи асрида яшаётган Маъқул момо ҳар тонгни шундай шукроналик билан қаршилайди.

Қўшработ туманидаги Чорлоқ - тоғлар орасидаги хушманзара қишлоқ. Сойнинг тўрт-беш жойидан қайнаб чиқаётган булоқ унга ҳаёт, файзу тароват бағишлайди. Маъқул момо Чорлоқнинг энг кекса кишиси, фахри. Ёши юздан аллақачоноқ ошган онахон ҳали тетик, тўй-маъракаларга ўзи юриб боради.

- Энам менинг суянчиғим, - дейди Маъқул момонинг ўғли 70 ёшли Ориф бобо Ёлғошев. - Кўп ишларни бамаслаҳат бажарамиз. Баъзида мени «Кўп эринчоқлик қилаверма», деб қойийлилар.

- Невара-чевараларимга мақтал айтиб бераман, телевизор кўраман, - дейди онахон. - Шукрки, ҳалигача овқатдан парҳез қилмайман. Оллоҳ тани-сиҳатликни берсин, дўхтир нима, дўхтирхона нима, билмайман. Табиат неъматларини тановул қилишни ҳуш кўраман. Бирор гиёҳ топгалса кайфиятим бузилади. Ахир, бу жойнинг бир қовуч тупроғигача юрагимга қоришиб кетган-да. Илоҳим дориломон кунларнинг яна кўпини кўрайлик. Юртимизга, Юртбошимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз боқий бўлсин. Ёшларга айтадиган гапим эса шу: кимлик қонингиз тўкилган юртни севинг, тупроғини кўзингизга тўтиё қилинг.

Мухбиримиз

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона - 136-53-93
Тел/факс - 133-44-35
Масъул котиб - 136-83-75
Хатлар бўлими - 136-87-62

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Фарғона вилояти

Хамкорлик

ҲАМ КОРХОНАГА, ҲАМ МАҲАЛЛАГА ФОЙДА

Коммунал хизмат тўловларини агентлар тўплаяпти. Йиғилган тўловлар миқдорининг 10 фоизи эса маҳаллага ўтказилади.

Яқин вақтларгача сув, газ ва иссиқлик энергияси тўловларини аҳолидан ушбу соҳа ходимларининг ўзлари тўплашарди. Улар ўртасида моддий манфаатдорлик деярли йўқ эди. Режа бажариладими йўқми ойлик маош берилаверарди. Шу сабабли коммунал хизмат тўловларининг ундирилиши, пул тушуми режаларининг бажарилишида камчиликлар қалашиб ётарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 15 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони юқоридаги каби камчиликларни бартараф этишда муҳим қадам бўлди. Ушбу Фармонда коммунал хизматлар ҳақи аҳоли томонидан ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўланишини таъминлаш ишига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳам жалб этиш, коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича тушумлар режаси 100 фоиз бажарилган тақдирда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан уларга шартнома асосида тушган тўловлар миқдорининг 10 фоизи миқдорида ажратмалар бериш кўзда тутилган.

«Маҳалла» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими (раиси Толибжон Хофизов) ушбу Фармоннинг туман ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда ички муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тўла тушунган ҳолда бу ишга дадил киришди. Коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар билан вилоятдаги 961 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида хизматлар ҳақи тўловларини тўплаш бўйича шартнома тузилди. Ҳар бир маҳаллада барча турдаги коммунал тўловларни йиғиш учун махсус агент тайинланиб, йиғилган маблағнинг маҳаллага ажратиладиган қисмидан маълум фоизи уларга ойлик маош сифатида ажратиляпти.

Ҳозирги кунда вилоятдаги коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган. Улар бир-бирларини тушунган ҳолда ҳамжиҳатлик билан ишни ташкил қилишяпти. Натижада ўртадаги шартномавий режани бажараётган маҳаллалар сони ой сайин ортиб бормоқда. Буни шу рақамдан ҳам кўриш мумкинки, 9 ойлик коммунал тўловларни тўплаш шартномавий режасини вилоятдаги 663 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бажариб, 10 фоиз ажратмани олишга муваффақ бўлдилар.

Данғара туманидаги 32 та маҳалла фуқаролар йиғини агентлари сентябрь ойида 3 миллион сўмга яқин коммунал тўловларни тўплаб, белгиланган шартномавий режани ортиғи билан бажардилар. Бу сумманинг 10 фоизи маҳаллаларнинг халқ банкидаги махсус ҳисоб-рақамига туширилди. С.Каримова, Х.Минхамзаева, М.Ҳасанов сингари агентларнинг ҳар бири 170 минг сўмдан 194 минг сўмгача коммунал тўловларни тўплашди. Улар «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси томонидан рағбатлантирилди.

Коммунал хизмат тўловларини тўплаш шартномавий режаларини сентябрь-октябрь ойларида Тошлоқ, Фарғона ва Фурқат туманларидаги кўпчилик маҳаллалар агентлари ҳам ортиғи билан бажардилар.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими ушбу хизмат жараёнига янгилик киритиш мақсадида агентларнинг ҳар бирини келгусида қулай улов велосипедлар билан таъминлашни режалаштирган эди. Яқинда 50 нафар агентга вилосипед олиш учун савдо ташкилотига пул ўтказилди.

Кодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

РУКН **Ибрат**

Қашқадарё вилояти

ОҚСОҚОЛНИНГ БОЛАСИ ОҚСОҚОЛ

«Ҳақиқий мўминнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмайдилар». Жаббор отани ҳар сафар учратганда, у киши билан гурунглашганда пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг «Ҳадиси шариф»ларидаги ана шу ҳикмат кўнглимдан ўтади.

Бу соддадил ва сахий инсон каттаю кичик лавозимларда ишлаб Китоб туманининг ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Замон зайли ва талабига қараб деҳқончилик қилди, ер чопиб, сув таради. Нафақа ёшига етгач каттаю кичик қишлоқдошлари тавсияси билан тумандаги Санам маҳалласи фуқаролар кенгашини бошқара бошлади. Югуриб елди, бировни ака, бировни ука деб каттагина ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Маҳалла аҳлининг яхши-ёмон кунларига бош-қош бўлди.

Отахон кўп йиллик орзуси - ҳаж сафарини адо этиб келгандан кейин маҳалладошлари билан суҳбатлашиб, ёши бир жойга бориб қолганлиги, турли-туман йиғилишлар, тадбирлар бироз оғирлик қилаётганлигини айтиб оқсоқолликдан озод этишларини сўради.

Туман раҳбарлари: «Ўрнингизга ўғлингиз Зарифжоннинг номзодини қўяйлик. От ўрнини той боссин. Сиз маслаҳатингизни аяманг» дейишди. Маҳалла аҳли ҳам рози бўлди.

Вақт оқар дарё деганлари рост. Ана-мана дегунча орадан беш йил ўтибди. Ота таълимини олган Зарифжон одамларга ўзининг кераклигини билди, ҳар бир ишда уларга елка тутди. Унинг саъй-ҳаракатлари, тиниб-тинчимаслиги туфайли маҳаллада катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Барча ишлар тадбиркорлик билан маҳалладошларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда олиб борилди.

Дастлаб ёқилғи қуйиш шоҳобчаси, сал кейинроқ «Сервис хизмат кўрсатиш маркази» ишга туширилди. «Даромадга яраша буромад» деганларидек, қўлни бемалол узатишга бир қадар замин яратилди. Маҳалланинг янги гузарини барпо этишга киришилди. Деярли ташландиқ ҳолда бўлган Шаҳрисабз-Китоб йўлида автомобиллар салонини жиҳозлаш ва техник хизмат кўрсатиш хоналари, ёқилғи қуйиш, автомашиналар ёғини алмаштириш шохобчалари, эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дўконлар бирин-кетин иш бошлади. Хуллас, кўркам ва замонавий мажмуа қад ростлади, Кўп тармоқли хусусий фирма ташкил этилиб, унга «Ҳожи Жаббор» номи берилди.

Санамнинг янги гузарини барпо этишда қатнашиш ҳар бир маҳалла аъзосининг дил орзуси. Бу ердаги ишлар асосан ҳашар йўли билан амалга оширилаяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда бу ерда ҳозиргача 80 миллион сўмлик қурилиш-монтаж, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу маблағнинг фақат 10 миллион сўми фирма ҳисобидан қурилиш материалларига сарфланди. Айни вақтда турли маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, телевизор ҳамда радио тузатиш устахоналари, гўшт дўконлари аҳолига намунали хизмат кўрсатиб турибди. Ҳатто бугун ноёб бўлиб кетган китоб дўкони ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

- Бироқ катта ишлар энди бошланаяпти. Маҳаллада ишсиз юрган ёшлар, уйда ўтириб қолган хотин-қизлар кўп. Яқинда тикувчилик цехини ташкил қилдик. Унда 30 нафар маҳалла қиз-жувонлари ишга жойлашди. «Сервис» хизмат кўрсатиш мажмуасида эса 50 ўринли ошхона биносини қуришга киришамиз, - дейди Зарифжон. - Маҳалла аҳолисининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида сўзга чиққанлар «мажмуа ёнида ўзимизнинг музлатгич, кир ювиш машинаси, чанг ютгич тузатиш устахоналаримиз ҳам бўлсин» дейишди. Тўғри талаб. Булар ҳар бир рўзғорнинг кундалик эҳтиёжлари.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг кечаги биноси бугун талабга жавоб бермай қолди. Янги бино қуриш тараддудидамиз. Буни замон талаб қилаяпти. Атрофда турфа мевалари, турли гуллар билан безанган, кўзни қувонтирадиган катта боғ яратамиз. Хуллас, қиладиган ишларимиз сероб.

Маҳалладаги ҳар бир оила оқсоқол эътиборида. Қаровсиз қариялар, кам даромадли оилаларга кўмак бериб савоб олишни оқсоқолгина эмас, маҳалладаги ҳар бир тадбиркор ҳам фарз, ҳам қарз деб ҳисоблайди. Раис ўтган йили ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан ўн бешта кам таъминланган оила фарзандларига дарслик совға қилган эди. 2002-2003 ўқув йилида ана шундай оилаларнинг барчаси тўлиқ ўқув дарсликлари билан таъминланди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

РУКН **Юртга меҳр туйғуси**

ҚАНЧА ОЛИС КЕТСАНГ, ШУНЧА ЯҚИНСАН...

Қайсидир бир миллат оналари чақалоғини туғилган заҳоти сув тўлдирилган тоғорага соларкан. Эндигина кўзи очилган кичкинтой жон-жаҳди билан оёқ-қўлларини тапиллатиб, яшаш учун курашар ва бир амаллаб сув бетига чиқишга уринар экан. Бу машқ бир-икки такрорлангач, гўдак бинойидай сув бетига чиқишни ўрганиб оларкан.

Албатта, булар ҳамиша кучли, яхши яшашга интиладиган инсоннинг ана шу мақсад йўлидаги тадбирлари. Уларда ҳам ўша тадбир қилган кишиларнинг ўзига хос ҳақиқатлари, ўзига хос ҳикматлари бор.

Аммо бизнинг ҳудудда яшаган миллатларнинг асосий хатти-ҳаракатлари, тарбия усуллари болаларни туғилган ери, маҳалласи, жигарларига меҳр-муҳаббат иплари билан боғлаб қўйишга қаратилган.

Ёнимда бўлгин, кўзимда бўлгин, бу опанг, бу аканг, бу - тоғанг... бири қошинг, бири кўзинг...

Туғилган ер, жигарларга боғланиб яшаш онда-сонда муаммолар туғдирмаса, аксарият ҳолларда яхшиликка олиб келган.

Бугун замон, тузум, муҳит ўзгарди. Биргина Қорақалпоғистон Республикасидаги Орол денгизи қуриши билан юзага келган муаммолар бугун ҳеч кимга сир эмас. Атрофмуҳитдаги ноқулайлик туфайли, матбуот маълумотларига қараганда қорақалпоқ ҳудудидаги қушларнинг 18 тури, балиқларнинг 4 тури, ўсимликларнинг 11 тури Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган. Бу дарахтлар, гул-гиёҳларга кўнгилда соғинч уйғонди, дегани. Қачонлардир республика иқтисодий ҳаётида катта қудрат бўлган балиқчилик соҳасида оқсаш сезилмоқда, дегани.

Шамол бир кунда қанчадан-қанча ерларга туз сочиб турган, ҳар кун, ҳар соат киши дилига аллақандай ўй-кечинмалар соладиган муҳитда ёшларни қандай қилиб туғилган ерига боғлаб туриш мумкин? Қандай қилиб кўнглидаги туғма муҳаббатга соя туширмай, уни дарз кеткизмай эртанги кунга етказса бўлади? Албатта, Қорақалпоғистон бутун жамиятимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан четда қолаётгани йўқ. Ўнлаб коллеж, лицейлар қурилди, қурилмоқда. Ёшлар уйи, ансамбллар, радио, телевидениеда янги канал, янги студиялар, «Учқудуқ-Султон Увайс Мискин ота» йўналишидаги темир йўлнинг ишга тушиши... Булар ҳам ёшлар учун имконият. Аммо ҳар қандай шароитда бахту бахтсизликда узилмайдиган туйғу... Бу ҳақда кўпроқ оналар ўйлайди.

Ойгул ОСПАНОВА. - Конгликўл тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.

- Туманимизда 19 минг нафар опа-сингилларимиз истиқомат қилади. Шунга яраша



болаларимиз, ёшларимиз бор. Асосан қишлоқ хўжалиги, чорвачилик билан шуғулланамиз. Ўтган икки-уч йилда роса сувсизликдан қийналдик. Аммо бу баҳор сойларимизга сув келди.

Ёшлар гўзалликни яхши кўради. Уларниям тушуниш керак.

Мана, бу йил сув келгач, 4,5 минг гектар ерга буғдой эқдик. Шовуллаган буғдойзорларни кўриб, ўтган йилларда кўнгли бўлинган ўғил-қизларимиз ҳам ер атрофида айланишиб, тадбиркорлик қилгиси келиб қолди. Маҳаллаларимиздаги 300 нафар опа-сингилларимизга 40 минг сўмдан кредит олиб беришга эришдик. Улар орасида ёшлар ҳам бор. Мана, Қулаҳмад Жиров номли ширкат хўжалигидаги 80 ёшли Гулхон момо Ўтаниёзова «Уста-шогирд» дастури асосида қизларни ўтов безашга ўргатяпти. Туман аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан момога маош, қизларга стипендия тўланади.

Назаримда, ёшларни она юрти ва яқинларига боғлашнинг бир усули - уларни шу ернинг чиройли эканига, шу одамларнинг яхши эканига ишонтириш керак. Энди қуруқ гап билан иш битмайди.

Гулмира ТОЖИДДИНОВА. - Туман аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлим бошлиғи.

- Яна бир усули - уларнинг дилида катта мақсадларга интилиш ҳиссини уйғотиш. Ва бу мақсадлар шу тупроқ билан боғлиқ бўлиши керак. Мана, Ойгул опа Гулхон момо ҳақида гапирдилар. Жарасқан, Элмира, Фотима каби шогирд қизлари бор. Яқиндагина руҳи тушиб юрарди шу қизларнинг. Ҳозир қўлида иши бор. Хонжиға, оқ қур, ёнқур ва ҳоказо ўтов безакларини ўрганишяпти. Қизлар ўзини оддий каштачи, тикувчи, ҳунарманд эмас, бутун бошли бир жараённинг фаол иштирокчиси деб ўйласа-чи, унда уларнинг руҳи янаям бақувват тортади.

Ёшларни фақат тирикчилик ғами билан қолдирмаслик керак. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу масала аллақачон ҳал бўлиб кетган. Ёшлар буни кўриб-билиб турибди-ку, ахир. Шунинг учун уларни тажриба алмаштириш, дунё кўришга кўпроқ йўналтириш керак. Шунда ўз ери, элида нима зиёд, нима камлиги, ўзи ўзи учун нималар қилиши кераклиги ҳақида чуқурроқ ўйлайди.

Фотима УЗОҚОВА. - Қулаҳмад Жиров номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги қишлоқ врачлик пункти мудири.

- Терапевт врачман. 12 та ходимим бор. «Бизнес фонд»дан 42 минг сўм кредит олиб, 2-3 та қиз билан тадбиркорлик ҳам қиламиз, тикувчиликдан ҳам хабардорман.

Аммо асосий ишим - шифокорлик. Бизда атрофмуҳит ноқулайлиги туфайли юзага келган хасталиклар ҳам бор. Айниқса йод етишмаслиги оқибатидаги бўқоқ хасталиги, камқонлик, буйрак касалликлари кўпроқ учрайди. Тўғри, биз доимий диққатдаги ҳудуд сифатида инсонпарварлик ёрдамлари олиб турамиз. Ундан ташқари, аҳоли орасида ҳам табобатни кенг тарғиб қиламиз.

Ёшликдан хасталикка чалиниб қолганлар ҳам бор. Хасталик одамнинг интилишларини сусайтиради, баъзан, лоқайд бўлиб қолади бундай одамлар. Айниқса ёшлар тушкунликка тушади. Шунинг учун уларни руҳий кўтаринкилик берадиган ишларга кўпроқ тортиш керак. Мана, Нукус шаҳрида қизлар «Қирққиз» қиёфасида от миниб, намойишдан ўтадиган бўлди. Байрам муносабати билан. Биз Зулайҳо исмли қизимизни тайёрладик. Ўша тайёргарлик, от миниб «Қирққиз» кийимида Нукус шаҳридаги бош майдондан ўтиши унга қанчалар ғурур бағишлади. Совғага олган гиламини кўтариб қишлоққа келганда, кўчаларимизда байрам бўлиб кетди. Ана шундай тадбирлар мингта доридан афзал, албатта.

Мен телевизорда ногирон, хаста ёшлар билан ишлаётган марказлар фаолияти ҳақида эшитганман. Овулдаги маҳаллалардан бирида шундай марказ тузсам деб орзу қиламан. Муҳими, ёшларнинг бизданкўнгли узилмасин, кўнгли узоқларни истаб қолмасин. Ўзларини севишлари, улар ҳақда қайғуришлари, улар ҳақда ўйлаётганларини билиб туришсин.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

РУКН **Маҳалла қандай обод бўлади?**

ТЎПДАН ЧИҚСАНГ ҲАМ КЎПДАН ЧИҚМА

Бойсун туманидаги Мунчоқ маҳалласида яшовчи Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев ўз шахсий жамғармасидан шу ҳудуддан оқиб ўтувчи Дарбанд дарёси устига кўприк қурдирди...

Шу хабарни эшитгач, пойтахтимизда жойлашган бир Меҳрибонлик уйи раҳбари билан яқинда бўлиб ўтган суҳбатимиз ёдга тушди. Ўшанда «Етим-есирлардан ҳеч нарсасини аямайдиган саховатпеша кишилардан бир-иккитасини мисолга келтиролмайсизми?» деган саволимизга у: «Бундай мурувватли одамлар кўрсаттан ёрдамларини қилмаслик учун ҳам исми-шарифларини атайлаб айтмайдилар», деган жавобни берганди.

Бундай ўзбек халқига хос фазилатдан Ш.Болтаев ҳам мустасно эмас. У вақтинча иқтисодий қийинчиликлар даврида «Бу - ҳокимлик вазифасига кирадиёки мазкур юмушни фалончи ташкилот бажариши керак» деган фикрни хаёлига ҳам келтирмай маҳалладошлари узоғини яқин, мушкулини осон қилиш ниятида савоб ишга қўл урди. Ваҳоланки, бундай қилишга уни ҳеч ким мажбурламаган ва илтимос ҳам қилмаганди. Бу унинг виждон амри эди, холос. Шундай бўлгач, табиийки, замонавий конструкция асосида тикланган кўприк учун кеттан харажатлар хусусида ҳам ҳеч кимга оғиз очмаган. Бизнинг хомчўтларимизга кўра, бу иншоот биттунича 2 миллион сўмлик атрофида маблағ сарфланган бўлиши керак.

Ота-боболаримиздан қолган энг яхши удум - ҳашар, ҳудуддаги кўпгина муаммоли масалаларга ечим топишда жуда аскотмоқда.

Бу маҳалла аҳлига доир биргина мисол эмас. Уни яна давом эттириш мумкин. Юқоридаги каби тадбирлар бошида маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг раиси Худоёр Тўраев турганлигини эътиборга олсак, бу - мазкур ҳудуд учун одатий ҳолга айланганини кўриш мумкин. Нега дейсизми? Яхшиси далилларга мурожаат қилайлик. Йиғин асосан бешта қишлоқдан таркиб топган. Аҳолиси сал кам 3 минг нафар киши. Уларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлиши доимий эътиборда. 2 та тиббиёт шохобчаси, 4 та тегирмон, 3 та обжувоз ишга туширилгани, Мунчоқ қишлоғида гузар барпо этилаётгани, ҳадемай, унинг таркибида савдо дўкони, қариялар чойхонаси, маиший хизмат нуқталари фаолият юргиза бошлаши фикримиз исботидир.

Ота-боболаримиздан қолган энг яхши удум - ҳашар ҳудуддаги кўпгина муаммоли масалаларга ечим топишда жуда аскотмоқда. Ўтган йилгача Мунчоқ табиий газдан бебаҳра эди. Ҳашар йўли билан 6,4 км. масофага ўрта босимли, 6,5 км.ли ерга эса, паст босимли газ қувурлари тортилиб, қишлоқнинг зангори оловга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди.

- Фақат бу эмас- дейди йиғин раҳбари Х.Тўраев, - 3 км.ли йўлга ҳам шу йўсинда шағал ётқизилди. Маҳалланинг олти хонали янги идораси тикланиб, атрофи ободонлаштирилди. Уч қишлоқда кўприк қурилди. Қурилиш ашёларига сарфланган маблағ маҳалла бюджетидан қопланди. Яна бир гап. Лолазор гузари ёнидан оқиб ўтувчи дарё анча пастликда бўлгани сабабли, унинг сувидан фойдалана олмаётган фуқаролар ташвишини тушуниб турардик. Фаоллар билан маслаҳатлашиб, бу масалани ҳам ижобий ҳал этдик. Маҳалла ҳисобидан ўрнатилган ушбу сув насосидан 56 хонадон фойдаланиб, ўз томорқаларини суғориш имкониятига эга бўлдилар.

Раиснинг сўзига қўшимча сифатида яна шуни айтиш жоизки, мунчоқликлар аждодлари руҳини шод этишни унутмаётганликлари ҳам ибратлидир. Жумладан, Хўжапоёнги Остона, Қизил Азизон (Хўжаи Сурхпўш ота), Хўжабулғон, Бибиширин, Омонхона каби қадамжолар қайта таъмирланди. Таъмирлаш ишларига хоразмлик усталар жалб қилинди.

- Ҳудудимизда 154 та кам таъминланган оила бор, - дейди маҳалланинг фаол оқсоқолларидан бири Шоймардон ота Болтаев. - Улар ҳамиша фуқаролар йиғини эътиборида, назоратида. Навбатма-навбат ой сайин уларга энг кам ойлик миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Байрам ва тантанали маросимларда дастурхон ёзилиб, кексалар кўнгли олинади, моддий ва маънавий кўмак берилади. Уч авлод учрашувларида эса отахону онахонларимиз раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, инсонийлик, ёшлар тарбияси, келин ва қайнона одоби сингари мавзуларда ўз тажрибаларини баҳам кўрадилар. Шу ва шунга ўхшаш тадбирлар самараси туфайли маҳалла аҳлининг иноқлиги, ҳамжиҳатлиги ҳамда мақсад бирлигига эришилмоқда. Шундай маҳаллада яшаётганимдан фахрланаман.

Абдунаби МАННОПОВ,
Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбирлари.

Обуна-2003

Азиз маҳалладош! «Mahalla» «Обод маҳалла йили»да сиз учун хизматда бўлади. Сизнинг Обод маҳаллалар барпо этишдек эзгу ниятингизга йўлдош бўлади. Бунинг учун Сиз обуна бўлсангиз бас!

«Обод маҳалла» дегани — юрт, халқ фаровонлиги, юксалиши дегани эмасми? Бу туйғу қайси маҳалладошнинг кўнглини тоғдек юксалтирмайди, дейсиз!

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

ЭРТАНИ ЎЙЛАГАН РАИС

Собир Раҳимов туманидаги Қодиобод маҳалласи фуқаролар йиғини пойтахтдаги кўпгина ўзини ўзи бошқариш ташкилотларидан таркибий жиҳатдан фарқ қилади, десак муболаға бўлмайди. Масалан, йиғин раҳбари Абдусаттор Абдураҳимовдан тортиб, котиба ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, ўртоқлик суди раислари, педагог-тарбиячисигача олий маълумотли, бой ҳаётий тажрибага эга кишилардир. Шу боис ҳудудда ҳукуматимиз қарорлари, тегишли қонунлар ижросига алоҳида эътибор берилаётир. Ҳудудда айниқса, вояга етмаганлар билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, Конституциямизни ўрганиш, ободонлаштириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалалари кун тартибидан тушмаётгани эътирофга лойиқдир. Маҳалла фаоллари тадбиркору ҳунармандларни бир жойга тўплаб, ким нимага қодирлигини амалда кўрсатиш ташаббуси билан чиқдилар. Бунинг самараси ўлароқ ташландиқ жойлар ободонлаштирилди, автомашиналарни таъмирлаш устахоналари, тикувчилик цехлари фаолият кўрсата бошлади. Бундай йўл тутиш - ўнлаб кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш имконини берди. Қ.ариялардан қалрлаш йилида отахонларга туҳфа этилган шинам чойхона, маҳалла идораси атрофи қуқаламзорлаштирилиб, фаввора ва ҳовуз барпо этилганидан кўпчилик мамнун.

Шунингдек, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, замонавий урф-одатларимизни тарғиб қилиш, саховатпешалик каби савобли ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётир. Яқинда маҳалла ҳисобидан Тешик қопқоқ қабристонида шийпон қурилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Зарофат ИСҲОҚҲЎЖАЕВА,
Зухра КОСИМОВА,
Қодиобод маҳалласи фуқаролари.

РУКН **Ёднома**

Сирдарё вилояти

ЧЎЛДА ПОСБОН ЎТГАН ҚАРШИБОЙ

... Яхши одамларнинг қисқа умрларидан ҳам мангуликлар қолади. Эзгуликларга хизмат қилган кишилар - абадий яшайдилар.

Зомин туманининг Гўртепи қишлоғида туғилиб вояга етган ёш, навқирон Қаршибой Сулаймоновнинг орзулари бисёр эди... Ўқитувчиларнинг айтишича, у жуда тиришқоқ, бир сўзли ва интизомли бола бўлган. Ёш Қаршибойнинг бу каби фазилатлари ҳарбий хизматда ҳам, кейинги ҳаёти давомида ҳам унга фақат муваффақиятлар келтирди.

Қаршибой ака бир неча йиллар давомида Зомин тумани Ички ишлар бошқармасида фаолият юритди. Кейинчалик, яъни 1958 йилда уни ҳозирги Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги «Қушчинор» ширкат хўжалигига чўлни ўзлаштириш учун кўчиб кела бошлаган 500 нафардан зиёд аҳоли ўртасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида йўлланма билан юборишди. Қаршибой ака ширкат хўжалигига келгунга қадар бу ерда 4 нафар участка нозирлари бир йил ҳам ишлай олмасдан ариза бериб, бўшаб кетишган эди. Чунки бу ҳудудда бошқа вилоятлардан келган турли тоифадаги инсонларнинг ўзаро тотув яшаши анча қийин кечган бўлиб, турли қонунбузарликлар тез-тез юз бериб турарди.

Қаршибой Сулаймонов Қушчинорга келганидан кейин эса бу ерда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатилиб, жиноятлар сони кескин камайди.

- Шу сабаб ҳам уни ҳали-ҳануз маҳалладошлар яхши хотиралар ила ёд этишадилар, - дейди марҳумнинг синфдошларидан бири Йўлдош Эшонқулов. - Негаки, ёш, забардаст Қаршибойнинг жўшқинлиги, ғайрат-шижоати олдида муаммолар чекинарди. Қаршибойнинг ушалмаган орзулари кўп эди. Тақдир экан. У айни шижоати авж олганда, қирқ ёшида оламдан ўтди. Қаршибойнинг вафоти нафақат унинг оиласи, фарзандлари, яқинлари учун, балки у билан ёнма-ён ишлаган ҳар бир ходим учун оғир жудолик бўлди. Ундан ёдгор бўлиб бир қиз ва бир ўғил қолди. Бугунги кунда ўғли Шодиёржон қурувчи, қизи Раъно эса ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

Дарҳақиқат, дўстимиз Қаршибой Сулаймонов умрининг қисқа вақти ичида касбдошлари меҳрини қозонди, раҳбарият эътиборига тушди ва маҳалламиз осойишталигини таъминлашда бор кучғайратини аямади. Мен барча маҳалладошлар номидан илтимос қилардимки, агар имконияти бўлса маҳалламизнинг бирор-бир кўчасини шу инсоннинг номи билан атасак, нур устига аъло нур бўлур эди. Бу таклифни қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўктам Хўжақулов ва барча маҳалладошлар бир овоздан маъқулладилар.

Умиджон САТТОРОВ

Ислом КАРИМОВ: «...Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди!»

ТЎЙ ҚИЛИБ СЎНГ ҚАРЗ УЗАМИЗМИ?

«Қиз чиқарганга қирқ йил тегма» ... Ўтмишда ҳазиломуз тарзда айтилган шу нақл эндиликда чиппа-чинга айланиб қолди. Бу кунларда таниш-билишларингизнинг бирортасидан «Қизингизни турмушга бериб, ташвишларидан қутулиб олдингизми?» дея сўрасангиз борми, аксарияти «Э, у ташвишларни ёдимга солманг!» дея асабийлашиши турган гап.

Президентимиз Қомусимизнинг 10 йиллигига бағишланган анжуманда худди шу ҳақда сўз очиб, кўпчиликнинг дилидаги гапни айтдилар. **«Одам шундан ҳайратда қоладики, бундай ҳеч ақлга сиғмайдиган ортиқча маросимлар ҳар бир оила, ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини ҳамма билади. Чунки бундан асосан кўп болали оилалар азият чекади, қийналади, шунинг оқибатида қарздор ҳам бўлиб қолиб, қарзини узиш учун бошини кўтармасдан меҳнат қилади...»**

Яқинда шундай бир воқеа бўлди...

Маҳаллада яшовчи отахон қиш кириши билан бетобланиб қолди. У кишини обдон текшириб кўрган дўхтир «Ота, анча толиқибсиз, бироз муддат сизни шифохонада даволайлик. Кундалик ташвишлардан чалғиб анча дам оласиз» дейди. Бемор рози бўлади. Отахонни иссиққина хонага жойлаштиришади. Ўғил, қизлар, келинлари ва қуёвлари кунора келишиб, унинг аҳволидан хабардор бўлиб турадилар. Шифокорлар ҳам хушмуомала. Хуллас, ҳамма нарса бисёр. Фақат... Куннузун бекор қолганингда яхшигина бир суҳбатдошинг бўлсайди!

Отахон ётган хонада эллик ёшлар атрофида яна бир бемор бор. Лекин у кекса шеригига қайрилиб ҳам қарамайди. Ўзи билан ўзи овора, нукул «уҳ» тортади. Ахийри отахон ундан «Ўғлим, бирор жойингиз қаттиқ оғриб, азоб бераяптими?» деб сўради. «Мана бу ерим оғрияпти, отахон» деди у кўксини чангаллаб. Ота уни тушунди. Кўнглида бир дарди бор. «Дилингизни очинг, болам, анча енгил тортасиз» деди.

Бемор сўз бошлади:

- Уч қиз, бир ўғлимиз бор. Қизлар бирин-кетин улғайишди. Каттасини ўтган йили узатдик. Ҳамма ташвишимиз шу тўйдан сўнг бошланди. Унаштириш маросими ўтгач, қуда томон келин-куёв учун ажратилган уйни кўрсатиш баҳонасида бизни меҳмонга чорлади. Бордик. Қарасак, нақ учта ҳайҳотдай хона, бўм-бўш! «Шу хоналарнинг бири ётоқ, бири меҳмонхона, бири ошхона бўлади-да. Ҳар бирига олинадиган гарнитурлар жойини ҳозир ўлчаб олсанглар, кейин қийналмайсизлар. Ахир тўйни тезроқ ўтказмасак, дўст бор, душман бор...» Қудамизнинг гапидан кейин ўйланиб қолдим. Мебелнинг ҳозирги нархи ҳаммага маълум. Мен эса фақат маошга кун кечирсам, болаларнинг мактаби бор, институти бор, кийиниши, еб-ичиши бор. Мебелга пулни қаёқдан оламан? Хуллас, шу куни умримда биринчи маротаба ухлолмай чиқдим. Эртасига қариндош-уруғни йиғиб, ёрдам сўрадим. Олган қарзларим сарпо-суруқ, мебел олиш, тўй ўтказиш, чарлар, қуда чақириқ каби катта ташвишларга сарф бўлди. Бу харажатларни деб бошқалардан олган қарзларим бир неча миллиондан ошди. Мана, салкам бир йил вақт ўтаяптики, қарз тўлаш бир миллион сўм пул... Кўксимда қаттиқ санчиқ турди. Врач чақиришди. Бу ёққа олиб келдилар. Мана, бу ерда ётибману хаёлим уйда. Қарзини қистаб келаётганларга аёлим нима деб жавоб бераётганикин? «Бешик тўйини ўтказинглар» дея шошилаётган қуда томон менинг касал бўлиб қолганимни нотўғри тушуниб, қизимга аччиқ-аччиқ гапиришмаётганмикин? Қизимнинг дили оғриса... Чидолмайман! Бу қарз ботқоғи ёмон экан, отахон. Кун сайин кишини ўз қаърига тортаверар-кан...

Отахон бош чайқади. Сўнг хаёлга толди. «Эҳ, биз инсонлар нега бунақамиз? Нечун оқибатини тушуниб туриб ўзимизни ўтга ташлаймиз? Фарзандларимизни асраб-авайлаб ўстирганимиз, ўзимиздан кўра ортиқроқ суйганимиз, оғир юмушлардан аяб келганимиз етмаганидек, катта тўй қилиб уларга жамики қулайликларни муҳайё қилиб берсак, шу тўғримикин? Бу ҳолда болаларимиз қачон меҳнатга ўрганади? Турмуш машаққатлари олдида довдираб қолишмасмикин? Ахир меҳнат қилиб пул топиб, шу пулга сотиб олинган жиҳоз оила учун энг қадрли саналмайдими?! Наҳот бизнинг ўғил-қизларимиз ана шундай меҳнату роҳатдан узоқда, тайёрига айёр бўлиб яшашса? Уларнинг ҳаётга енгил қараётганликлари, турмуш синовларига бардош беролмаётгани шунинг оқибатида эмасмикин?! Биз бу ҳақда қачон чуқурроқ ўйлаб кўрамиз? Ҳа, ўйлаб кўриш вақти етди...»

Отахон беморга тасалли берди. Лекин тасалли билан иш битармиди. Бу муаммони кўпчилик кўмагида ҳал этиш лозим. Балки маҳаллаларда тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш зарурдир... Ёки жойларда қаттиқ назорат ўрнатган маъқулмикин?

Президентимизнинг нутқидаги сўзларни яна бир карра эслайлик: «...Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди!» Ҳа, тўйларимиз турмушимизнинг безаги, эзгу ниятларимиз самараси, дуоларимиз ижобати. Тўйларни оилавий хурсандчиликка айлантириш ўз қўлимизда. Ёнинки шундай тўйларни ўтказаман деб оқибати хунук ишларга жазм этсак борми, бундан фақат ўзимиз жабр кўрамиз. Қаршимизда машаққатлар эшиги очилади, бошимизни кўтаролмай қоламиз. Оқибатда қаддимиз букилади, виждонимиз қийналади, руҳимиз азоб чекиб вужудимиз хасталанади. Ваҳоланки, бу иллатларга чек қўйишнинг биргина йўли бор. У ҳам бўлса ақл билан иш юритишдир.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МАХСУС ҚАЛАМ

Икки француз ихтирочиси Жак Саго билан Жерар Павар яратган кўрлар учун махсус қалам Женевада ҳар йили ўтказиладиган халқаро ихтирочилар кўргазмасининг биринчи мукофотига сазовор бўлди.

Бу янгилик Брайл алифбоси жорий қилинганидан кейинги энг муҳим ютуқдир. Янгилик махсус сиёҳ солинган шарикли ручка бўлиб, у ёзгандан сўнг сиёҳи тезда қурийди ва бармоқлар билан ўқиш мумкин бўлган қабариқ ёзувлар пайдо бўлади.

РАДИОТЎЛҚИН УЗАТУВЧИ АСАЛАРИЛАР

Африканинг ёввойи асаларилари Жанубий Америкога офат келтирди. Улар ўта ваҳший бўлиб, тўдаси билан ҳужум уюштиришади. Уларнинг ҳужумидан ҳатто одамлар нобуд бўлишмоқда.

Масъулиятсизлик туфайли Бразилияда асаларилари эркинликка чиқариб юборишганди. Натижада улар шимол томонга аста кўчишмоқда. Ҳатто Мексика ва АҚШнинг жанубий чегараларини ҳам «ишғол» қилишган.

Одамларни улардан ҳимоя қилишнинг ҳар қандай усули ҳозирча натижа бермаяпти. Мутахассислар яна янги усулни таклиф этишди: тутқиндаги ёввойи асаларилар радиотўлқин узатувчи митти қурилма ўрнатилади (унинг оғирлиги 0,035 грамм) ва эркинликка қўйиб юборилади. Қарабсизки, улар тезда ўз тўдасини топади. Ўрнатилган қурилма эса тўда қаердалиги ҳақида «ахборот» бериб туради. Пайтдан фойдаланиб ваҳший асаларилар тўдасини йўқ қилишга киришилади.

КОНВЕРТНИ ОЧМАЙ ХАТ ЎҚИШ МУМКИН

Сарлавҳани ўқибоқ, «Йўг-е!»дея ҳайратдан ёқа ушлашингизни сезиб турибмиз.

Бироқ бу реал воқелик. Гарчи конвертлар муҳрлаб қўйилган бўлса-да, ичидаги хатни бемалол ўқиса бўларкан. Бунинг учун Дейв Миллернинг Йоханнесбургдаги дўкончасидан бор-йўғи 95 рандга (Жанубий Африка Республикаси пул бирлиги), яъни АҚШ долларига махсус суюқлик сотиб олинса бўлди, бу суюқлик конвертни очмай ичидагини ўқиш имконини беради.

Эл корига яраётганлар

ОТА ВАСИЯТИ

у туфайли Сурхондарёда икки маҳалла кундан-кун обод бўлмоқда

Уч ака-ука - Раҳматилло, Ҳидоят, Изатилло Тоғаевлар аслида Музработдаги Шариф Бобоев номли маҳаллада истиқомат қилишади. Шундай бўлса-да Бойсунинг Дарбанд жамоа хўжалигидаги Санчил маҳалласи аҳли бу ака-укалардан жуда кўп марта меҳр-оқибат кўрмоқда. Бу учовлон ака-ука ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар. Уларнинг саховатидан ўз маҳалладошлари ҳам ҳамиша баҳрамандлар, лекин Санчил маҳалласини ака-укалар алоҳида эътиборда тутадилар. Ака-укаларнинг каттаси Раҳматилло кўп йиллар масъулиятли вазифаларда ишлаган, ҳозирда Термиздаги «Сурхон» меҳмонхонасини хусусийлаштириб, ўлкада туризм хизматини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳидоят ғишт заводи директори, Иззатилло тадбиркор. Ўтган йили ҳар икки маҳалладаги ободонлаштириш ишларига ўн беш мингта пишиқ ғишт сарфланди. Ғишт заводи беш нафар кам таъминланган, кўп болали оилани қарамоғига олган, уларга тез-тез моддий-маънавий ёрдам кўрсатилади. Иззатиллонинг хусусий корхонаси ҳисобидан турли байрамлар арафасида ўнлаб қарияларга совға-салом улашилади. Санчил маҳалласидаги катта кўламдаги ободонлаштириш ишларига ака-ука Тоғаевлар ҳомийлик қилишди. Бу ерда ёзда чанг-тўзон, қишда тизза бўй лой бўлиб ётадиган кўчалар кенгайтирилиб, шағал ётқизилди. Хўш, ака-ука Тоғаевларнинг қўшни туманда, ўзларининг яшаш манзилларидан анча олисда жойлашган Санчил маҳалласидаги ибратли ишларга бош қўшишга нима ундамоқда? Гап шундаки, Санчил ака-укаларнинг ота маҳаллалари ҳисобланади. Яъни уларнинг отаси Нусратулло Тоғаев шу маҳаллада туғилиб-ўсган, токи бир гуруҳ чўлқуварлар қаторида оиласи билан Музработга кўчмагунича Дарбанддаги Ибн Сино номли мактабда ёшларга сабоқ берган. Чўлни ўзлаштириш авж олган ўша йилларда ташкилотчилик, ташаббускорлик намунасини кўрсатгани учун Нусратилло ака кўпчиликнинг ҳурматини қозониб, номи эл оғзига тушганди. Кўп йиллар Нусратилло ака ўзига топширилган масъулиятли вазифаларда фидокорона меҳнат қилди, тумандаги йирик Шоликор хўжалигини, туман қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмасини бошқарди. Пенсияга чиққач ҳам Нусратилло ака тиниб-тинчимади, «Нуроний» жамғармасининг туман бўлинмасига раҳбарлик қилди.

Нусратилло ака рафиқаси Хожархон ая билан тўққиз ўғил-қизни тарбиялаб эл қаторига қўшди. Уларнинг барчаси меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги туфайли элнинг корига яраб, одамларнинг дуосини олиб яшамоқдалар. Аслида Нусратилло ака ўғилларига «Болаларим, киндик қонимиз тўкилган масканни, у ердаги одамларни йўқлаб турингилар, кўпчиликка саховат кўрсатиб олган дуоларингиз менга қўйган абадий ёдгорлигингиз бўлади», дея васият қилган экан.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

2002 йил –Қарияларни қадрлаш йили

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Бодомзор маҳалласи фуқароси Каримберди ота НАЖИМОВ юз ёшга кирдилар. Бир асрни қаршилаган ушбу отахон невара-ю чевараларининг ардоғида умр-гузаронлик қилмоқда.

КИМ ҲАҚ

● Воқеий ҳикоя ●

Бўстон маҳалласида Анварни кўнгилчан, кўли очиқ, танти йигит сифатида яхши билишади. Яна бир ажойиб хусусияти меҳнатдан қочмайди. Шу боис битта ойликка кўз тикиб қолмаган. Ишдан бўш пайтлари асосан ҳашарлардан ортмайди.

Пойтахтдаги у яшайдиган маҳалла ҳам катта - уч минг нафардан зиёд киши бор. Улар ҳар бирининг ўзига яраша қувончу ташвишлари, умид ва армонлари мавжуд. Анвар маҳалладагилар кўпчилигининг дардини, муаммоларини яхши тасаввур этади. Чунки кимнидир уйида том ёпган, сувоқчилик ёки дурадгорлик қилган, кимнидир хонадонида эса ош дамлаб берган. Яқинда меҳнат фахрийси Ҳусан отанинг уй томини тўрт кунда таъмирдан чиқарди. Иш тугаб, хайр-маъзур қилинаётганда у бир даста пулни устанинг чўнтагига солиб қўйди:

- Рози бўлинг ўғлим, сиздан жуда миннатдормиз.

Анвар сидқидилдан узатилган пулни киссасидан олиб, жилмайдида, эгасига қайтарди:

- Мени хафа қилманг ота, савоб иш ҳам қилиш керакда. Илоҳим, сизнинг ёшингизга етиб юрайлик. Ҳозир пулим етарли. Қолаверса, сиз билан бундай битимга келишмаганмиз.

Иложсиз қолган Ҳусан ота уни қуюқ дуо қилар экан, бундай мурувватдан таъсирланиб, томоғига золдирдек бир нарса тиқилди.

Эртасига кечқурун ишдан қайтаётиб, маҳалла гузарига кириб, ўзининг дидига ўтиришган киши билан бир гурунглашгиси келди. Буни қарангки, собиқ синфдоши, яқинда янги қаҳвахона очган Неъматжон унга пешвоз чиқди.

- Азизим Анвар, бормисан, минг сўмлик пулдек кўринмай кетдинг, тан-жонинг соғми ишқилиб?

- Худога шукр, ўзингдан сўрасак?

- Бир нави... Шу дегин, оғайни, сени кўрсам гуноҳкор одамдай оёқ-қўлим қалтирайди.

- Бунисини сезмабман, тушунтиришона терисидан бўлгандан кейин сўратаман-да!

- Э-э, оғайни, қувликка ўтма, ахир дунёда дўстлик, меҳр-оқибат деган нарсалар ҳам бор, пул - қўлнинг киридай гап, келади-ю ювиб ташласанг кетади-қўяди. Очиғини айтганда мен ҳам сенга у - бу нарсани ўтказиб қўйганман, уларни миннат қилаётганим йўқ-ку!?

Анвар шунча ўйласа ҳам Неъматжоннинг қандай яхшиликлар қилганини эслолмади.

- Аниқроқ гапирчи!?

- Айтаман десам гап кўп. Масалан, тўнғич фарзандингнинг суннат тўйида карнай-сурнайчидан тортиб артист-у ошпазгача менинг тавсиям билан олиб келгансан. Тўй олдидан уйингни таъмирлаётганингда гарчанд чириганроқ бўлса ҳам бешта тўсинни кўзимни чирт юмиб бир сўм олмасдан сенга бериб юборганман. Ҳозир уларнинг ҳар бирини 6-7 минг сўмдан пуллаш мумкин. Эсингда бўлса қизингни турмушга чиқараётганингда уч кун ётиб хизмат қилдим. Тўғри, кайфим тароқ пайтда кимнидир ранжитган бўлишим мумкин, лекин энг муҳими сенга хиёнат қилмай хонадонингни ташлаб кетмадим. Раҳматли ойингнинг юбилейидаги хизматларимни миннат қилмоқчи эмасман. Эҳ-ҳе, агар юқоридагиларнинг ҳаммасини пулга чақадиган бўлсак-ми кимгадир сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетса керагов...

Оламда шундай одамлар ва ҳисоб-китоблар борлигини ҳатто тушида кўрмаган соддадил, бағри кенг Анвар устомон ва «учар» дўсти қаршисида гарангсиб, каловланиб қолди. Анча сукунатдан сўнг:

- Унда сен эмас, мен сендан қарздор эканман-де, - деди бўшашиб.

- Бўлмасачи, - овозига зеб берди «ишбилармонлик» қилганидан хурсанд бўлиб Неъматжон. Лекин ана шу арзимаган пулга ота гўри - қозихона қилмоқчи эмасман. Мен мардликни яхши кўраман. Хуллас, яна ўшанча пулни қарзга бериб турсанг бас - кейинчалик суришиб кетаверамиз. Ўлар жойда эмассан-ку, ахир!

А, лаббай?!.

Уста НАБИ.

Ният хайр, оқибат хайр

Тиниб тинчимаган пенсионерлар-ей!

Тошкентлик, Сирғали тумани Ҳабибий номидаги маҳаллада яшовчи собиқ ўт ўчирувчи Мурод Қосимов ҳам шундай эзгу ниятлардан бебаҳра эмасди. Унинг орзуларининг қанот ёзиши эса, муқаддас Ҳаж сафарини амалга ошириш зарурати билан боғлиқ эди. Икки йил тайёргарликдан сўнг Маккаи Мукаррамага унга Америка-Ўзбек қўшма корхонаси - «Олимп» томонидан бепул ҳадя этилган махсус велосипедда боришга ахд қилди. Нега велосипедда дейсизми? - Биринчидан, пенсияга чиққан одам учун жуда қулай - ортиқча сарф-харажат талаб этмайди, иккинчидан, алоҳида йўл ҳам танламайди, ҳаракатланиш имкони бўлмаган жойларда уни қўлида кўтариб ўтиш мумкин, учинчидан эса, унинг ўйлашича, ҳали-ҳанузгача биронта мўмин-мусулмон муборак Ҳаж сафарига икки оёқли уловда бормаган. Демак, у биринчи бўлади. Биринчи бўлишликка эса Муроджон ёшлигиданоқ интилиб келган.

Шундай қилиб у дунё бўйлаб биринчи сафарга 1998 йилнинг 2 сентябрида отланди. Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудлари орқали Афғонистон, Туркия, Иордания, Покистон, Саудия Арабистонига етиб борди. Машаққатли 15,5 минг километрли йўлни (13 мамлакат ҳудудини) босиб ўтар экан, падари бузрукворининг «Билгинки, агар ниятинг хайрли бўлса, албатта, оқибати ҳам хайрли бўлади» деган ўгити, хайрлашиш чоғидаги энг яқинларининг дуойи-фотиҳаси, оиласи ва 8 нафар фарзанди, 9 нафар невларасининг оқ йўл тилаб дуога қўл очгани кўз ўнгидан нари кетмади. Ватанининг, маҳалласининг бир қарич ерини кўзига тўтиё қилиб суртгиси келди. Айниқса, Покистон-Ҳиндистон ўртасидаги уруш устидан чиққанида Ўзбекистон ҳукуматининг тинчлик учун кураши нақадар муҳим аҳамият касб этишини чуқур идрок қилди.

Ҳаж амалларини ўтаб бўлгач, шу кунларга етказгани учун Аллоҳга шукроналар айтди. Ўт ўчирувчилар меҳмонхонасида ёлғиз ўзи қолганиданми, ҳар ҳолда сафар чоғидаги энг чигилли ҳолатлар ёдига тушиб кетди. Покистон чегарасига яқин тоғлиқ жойлардан ўтиши керак эди. Тоғ кўчкиси сабабли автойўл тошларга тўлиб кетган, ҳайдовчиларнинг айтишича, ўн кундан бери силжиб бўлмаётган экан. Ва чора, юк машиналаридан бирида тунашдан бошқа илож йўқ. Тонг отиши билан ҳар кунги одати бўйича 50 грамм ундирилган буғдойни нонушта қилиб олдида, велосипедини орқалаб тоғни кесиб, йўлнинг нариги томонига ўтиш тадоригини кўрди. Йўл ярмисида ёмғир дўлга айланди. Ҳаммаёғи жиққа ҳўл. Дам олай деса бошпанага арзирли жой йўқ. Тоғда босим анча паст бўлгани сабабли нафас олиш қийин кечмоқда эди. Фақат олға юришдан бошқа илож қолмаганди. Кечга яқин дўл қорга айланди. Юриш янада оғирлашди. Лекин тишни-тишга қўймаса, ҳамма тасодифларга чидамаса йиртқичларга ем бўлиши турган гап эди. Хуллас, қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайди деганларидай, не-не азоб-уқубатлар билан кўзлаган манзилига етиб олди. Кўчки сабабли бу ерда ҳам автоуловлар ҳаракати тўхтаган эди. Дўппили бу кишининг шундай об-ҳавода тоғ ошишини хаёлларига ҳам келтирмаган ҳайдовчилар уни кўриб ҳангу-манг бўлиб қолишди. Бугун велосипеддаги спидометр ҳар доим-гидек 200 ни эмас, балки 100 км.ни кўрсатиб турарди.

Дарвоқе, Арабистондаги бир манзара ҳам ёдидан кўтарилмаса керак. Қизиқ, аксарият жойларда ўт ўчирувчи машиналар ранги қизил, бу ерда эса унинг меҳнаткаш, танти халқи ҳақидаги суҳбатдан сўнг, миннатдорчилик белгиси сифатида бармоғидан қимматбаҳо узугини чиқариб сайёҳга ҳадя этди.

Муроджон ака ана шуларни ўйлар, лекин келгусида уни яна қандай воқеаю тасодифлар кутаётганини билмасди. Бош омон бўлса дўппи топилар, - дея у мийиғида кулиб қўйди...

Велопойганинг 2-босқичини у диёримиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлади. Мазкур йўналиш 2000 йил 28 августидан бошланиб, Буюк Ипак йўли бўйлаб, бутун Осиё мамлакатларини қамраб олиши зарур эди. 8,5 минг километрли йўлни босиб ўтиш учун бугал 5 ойдан кўпроқ вақт керак бўлди. Беш мамлакат ҳудудидан ўтиш учун Ҳиндикуш, Қоракурум ва Ҳимолай тоғлари оша ҳаракат қилиш осон кечмади. Бироқ унда энди маълум тажриба, кўникма пайдо бўлгани боис кучиродасини асосий мақсад ушалишига сарфлади.

Одам боласи бу фоний дунёга келибдики, биронта мақсад, орзу ёки умидсиз яшолмаган. Унга эришиш учун эса ҳар ким ўзича йўл танлайди. Бу жараён инсон умрининг ниҳоясигача давом этаверади. Бир армони ушалгач, яна бошқа - янги орзулари довони сари ошиқаверади.

Навбатдаги сафар жорий йилнинг 27 майидан етти ой давом этиши, 11 сентябрь куни эса террорчилар томонидан АҚШдаги савдо маркази портлатилишида ўз хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган 300 нафар ўт ўчирувчи ва барча ҳалок бўлганлар хотираси учун таъзия изҳор қилиши ва гулчамбар қўйиш билан якунланиши белгиланган эди. Бу эзгу орзуси ҳам ушалди. Ўрта Осиё республикалари орқали Петропавловск-Камчатка, сўнгра Аляскага, бу ердан Сиетлга самолётда, сўнгра Чикагога поездда, ушбу манзилдан Нью-Йорккача автобусда боришга тўғри келди, негаки АҚШнинг тезюрар кенг йўлларида (Хайвейларида) велосипедда юриш ман этилган экан. Менхеттеннинг энг гавжум жойида ва сафар охирида БМТ биноси олдида шаҳар аҳолиси, журналистлар ва дипломатлар билан самимий мулоқот бўлди. Ўзбекистон байроғи илиғлик велосипед ҳайдовчиси ўнлаб суратчилар тасмасига муҳрланди. Шунда тўпланганлар орасидан бир киши сўраб қолди:

- Жаноб Қосимов, 70 минг километрли масофани босиб ўтиш осон эмас. Ҳамма ерда ҳамкасбларингиз сизни моддий жиҳатдан таъминлаб туришганини айтдингиз. Лекин масаланинг энг муҳим маънавий-руҳий жиҳати ҳам бор. Ана шундай мададни кимлардан ва қаердан олдингиз?

- Тўғри, агар маънан тайёргарлик кўрмаганимда, уни кимлардан олишни кўз олдимга келтирмаганимда, балки масъулиятли сафарга отланмаган бўлардим. Мени барча ерда маънавий қўллаб-қувватлаб турган, илҳомлантириб турган нарса - бу она-Ватаним, оилам, қадирдонларим соғинчи бўлди. Тоғу тошми, саҳроми, қаерда бўлмай, доимо улар ишончини оқлаш учун навбатдаги манзилга шошилдим. Асосий мақсад - шоншуҳрат орттириш эмас, балки серқуёш диёрим, унинг ажойиб одамлари ҳақида сўзлаб бериш, жаҳонни таниш, қолаверса ўз сабр-бардошим, қучимни синовдан ўтказишдан иборат эди. Мен бу-ларнинг ҳаммасига эришганимдан хурсандман. Эндиги орзуим - жаҳон Гиннес китоби рўйхатидан ўтишдир...

Абдунаби МАННОПОВ,
«Mahalla» мухбири.

Яхшилар гулшани

Билган толиб гапирур...

Ахмад БОБОМУРОД

Бу дунёга келган инсонларнинг ўзаро муомала қилмасдан иложи йўқ. Одамларнинг бир-бири билан бўладиган муомалалари худди меҳмонга қилинадиган мулозаматдек ширин ва мулойим бўлиши лозим, зеро барчамиз бу дунёда вақтинчалик меҳмонмиз. Бу тўғрида Пайғамбаримиз шундай деганлар: «Кимгаки юмшоқлик насибаси берилган бўлса, у кишига дунё ва охират яхшилигидан иборат насиба берилгандир».

Дарҳақиқат, юмшоқ, ширин сўзли кишини барча яхши кўради, қўпол кишидан эса ўзини чеккага олади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам умматларини кўркам хулқли бўлишга чақириб, шундай деганлар: «Қиёмат кунида мўмин банданинг барча амаллари тарозуга қўйилганда энг тош босадиган амали яхши хулқидир. Аллоҳ таоло шармсиз, беҳаё сўз қилувчиларни ўзига дўст тутмас».

Пайғамбаримизнинг ўзлари ҳадисларидан бирида шундай дейди: «Яхши хулқларни мукаммал қилиш учун халққа пайғамбар қилиб юборилдим». Яхши хулқ инсонларга зийнат берадиган либос бўлса, ҳаё унинг безагидир. Имом Термизий саҳоба Абу Ҳурайрадан ривоят қилган бир ҳадисда шундай дейилади: «Ҳаё имондандир, иймон, яъни иймон аҳли жаннатдадур. Беҳаёлик жафодандур, аҳдига вафо қилмайдиган аҳли жафо дўзахдандур».

Дарҳақиқат, мусулмон дунёсининг бирон бир бурчагида ҳам ҳаёсизлик тарғиб қилинмайди, чунки ҳаёсизлик ваҳшийликдир. Ваҳший ҳайвонлар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Тан олиш керак, ҳар бир халқ орасида хулқи бузуқ, қўпол одамлар учраб туради. Бундайлар ўз даҳалликлари билан кишиларнинг асабини бузади, асаби бузилганлар эса дардга тез чалинадиган бўлиб қолади. Бандаларга меҳрибон бўлган Аллоҳ таоло бунинг олдини олиб, «Аъроф» сурасининг 199-оятида шундай дейди: «(Эй Муҳаммад), авфни ихтиёр этинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!» Бундан чиқадиган маъно шуки, солиҳ бандалар кечиримли, бағри кенг бўлиши, бошқаларни ҳам яхши амаллар қилишга ундаши ҳамда гапга қулоқ солмайдиган қайсар кишилардан юз ўгириб кетишлари лозим.

> *Одамларнинг бир-бири билан бўладиган муомалалари худди меҳмонга қилинадиган мулозаматдек ширин ва мулойим бўлиши лозим*

Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай дейилади: «Одамларга аралашмаган, уларнинг озорларига сабр қилмаган мўминдан одамларга аралашган, уларнинг озорларига сабр қилган мўмин афзалроқ». Одамларга аралашмай уйда ўтирган киши ибодат билан машғул бўлса, фақат ўзининг охиратини обод қилади, халққа аралашиб юрган киши эса бошқа бандаларнинг билиб-билмай унга етказган озорларига сабр қилса, қўшимча савоб олади. Ўзининг яхши хулқи билан бошқаларга ўрнак бўлгани учун ҳам унга савоб ёзилиб боради. Жамиятдан ажралмасдан муроса қилиб юргани, нодонлар жаҳлини чиқарадиган гап қилганда ғазабини ичига ютгани учун ҳам савобга сазовор бўлади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир куни саҳобаларидан: «Ҳўш, кимни энг кучли одам деб ўйлайсизлар?» - деб сўрадилар. Саҳобалар: «Рақибини тезлик билан енгадиган, йиқитадиган киши энг кучли полвон бўлади», деб жавоб қилдилар. Шунда Пайғамбаримиз: «Йўқ, ундай эмас, жаҳли чиққанда ғазабини ичга ютаолаган киши энг кучли полвондир», дедилар. Дарҳақиқат, киши ғазабини ичига ютолса жамики ёмонликлардан сақланади, ғазабини енга олмаган киши хотинидан, ўртоқларидан, қариндошларидан ва ҳаттоки фарзандларидан ҳам узоқлашади, кўп пушаймонларга қолади. Шу сабабдан Аллоҳ таоло ҳам ғазабини ичига ютаолаган кишиларни ўз Қуръони Каримида мақтаган: «(У тақводорлар) фаровонлик ва тинчлик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато-камчиликларини) авф этадиганлардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади». («Ол-и Имрон» сураси, 134-оят).

Ҳикоя қилишларича, улуғлардан бирининг хизматкори хўжайинга таом келтираётиб, оёғи чалишиб йиқилади ва қўлидаги таом тўкилиб, гиламни булғайди. Хўжайин ғазабга тўлади, шунда хизматкор: «Эй тақсирим, Аллоҳнинг сўзини эсланг», дейди. «Аллоҳ нима деган?» - сўрайди хўжайин. Аллоҳ таоло «вал козиминал ғайза», яъни «ғазабни ютувчилар», деган дейди хизматкор. Шунда хўжайин «Майли, мен ҳам ғазабни ичимга ютдим», дейди. Аллоҳ таоло яна, «вал офина аниннас», деган дейди хизматкор. «Майли, мен ҳам гуноҳингни авф қилдим», дейди хўжайин. Аллоҳ таоло яна: «Валлорҳу йуҳиббул муҳсинина», яъни «яхшилик қилувчиларни Аллоҳ севади» деган, дейди хизматкор. Шунда хўжайин: «Аллоҳ таолонинг розилиги учун сени қулликдан озод қиламан», деб хизматкорни қулликдан озод қилади ҳамда минг динор ҳадя беради.

Азиз ўқувчилар, шу кичик ҳикоядан Аллоҳ жалла ва аъзонинг ахлоқ-одобга чақирган бир ояти кишининг икки дунёсини ҳам обод қилиши мумкинлигининг гувоҳи бўлдик. Бир оятга амал қилган хизматкор қул Аллоҳнинг раҳматига етишиб, озод инсон деган номга мушарраф бўлган бўлса, иккинчи тарафдан мустақиллик, ҳурлик саодатига эришди. Шу сабабдан ҳам машойихларимиз: «Билган топиб гапирар, билмаган қопиб», деб бежиз айтишмаган.

Жиззах вилояти

МАҲАЛЛАДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Қадимий маҳаллаларнинг номланишига эътибор берган бўлсангиз, бу ерда ҳунармандчиликнинг у ёки бу тури юксак даражада ривожланганлиги маҳалланинг шу номда аталишига асос бўлган.

Жиззах шаҳар Қассоблик маҳалласи ҳудудида Бобобековлар оиласининг «Ҳунарманд» хусусий фирмаси фаолият кўрсатади. Фирма ёшларга зардўзлик санъатини ўргатишдек ибратли вазифани зиммасига олган. Жорий йилда шаҳар меҳнат биржаси билан шартнома тузилиб, юздан зиёд хотин-қизларга зардўзлик сирлари ўргатилиб, гувоҳномалар берилди. Фирмада ўн нафар чевар буюртма асосида қўли-қўлига тегмай меҳнат қилмоқда. Чеварлар тикаётган улуғ сиймолар, Хива, Регистон каби тарихий ёдгорликлар акс эттирувчи тасвири нафис палаклар санъат асари даражасида яратилган дейиш мумкин. Фирмада тикилган зардўзи либосларининг ҳам бозори чаққон.

- Келгуси йили фирмамизда янги цехлар ишга тушади, - дейди фирма раҳбари Муҳаббат Бобобекова. - Бу маҳсулотлар турининг кўпайиши билан бирга хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳам омил бўлади. Энг асосийси аёлларимиз учун янги иш ўринлари яратилади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Оксокол – ижодкор

Омонуллоҳ МУТАЛ

ТЎЙ ҚИЛГУНЧА...

Ўшанда бола эдим. Кеч куз кунларидан бирида Саломат бувимнинг Ниёзбоши қишлоғидаги жиянлари Нурмат ака тўйга айтиб кетди.

Тўй куни пешиндан сўнг йўлга тушдик. Қувончимнинг чеки йўқ. Бошимда духоба дўппи, эгнимда унда-мунда авайлаб киядиган камзул-иштоним. Бувим «капарат»дан қандайдир ширинлик олиб бердилар. Бир дунё таассурот. Текстилдан «дизел»га ўтириб Қовунчига, Ниёзбоши марказигача эса юк машинасида етиб олдик. Вақт шомдан ўтиб теварак атроф қоронғиланди. Бунинг устига электр чироқлари йўқ. Бувим олдинда, паранжиларининг баридан тутиб орқаларидан мен кетардим. Кўчанинг баъзи жойлари ўта нотекис эди. Бувим жаврашга тушдилар, «Олдин йўлингни тўғрилаб кейин тўйингни қилмайсанми...»

Кўчанинг лойли қисмидан бир амаллаб ўтиб олдик. Бундоқ разм солсам, бувимнинг оёқларида бир пой калишлари йўқ.

- Буви калишингиз қани? - деб сўрадим.

- Оёгимда, - дедилар лойга чапланган махсилик оёқларига ишора қилиб.

Мен орқага қайтиб, оёқ изи қолган лой ичига қўлимни тиқсам қўлимга калиш илинди. Бир амаллаб, тортиб олдимда, мана-ку, деб бувимга тутқаздим. Бувим жаҳл билан паранжиларини қўлларига ечиб олдилар-да қўлимдан етаклаганча шахдам қадам ташлаб, сирғана-сирғана кета бошладилар.

Охирги муюлишдан ўтгандан сўнг тўйхона эшиги тепасида атрофни хира ёритиб турган чироқ кўзга ташланди. Бизни кўриб дарвоза ёнидагилар пешвоз чиқишди. Бувим саломга алик олиб-олмасданоқ жаҳл билан Нурмат акага зўғумларини бошладилар:

- Эй, манга қара, қишлоғингни, калхозингни катталари борми ўзи? Ҳойнаҳой ҳозир тўйнинг энг тўрида савлат тўкиб ўтиргандир, ҳаммаси.

Эртаси эрталаб бувим мени барвақт уйғотдилар.Йўл азоби ҳойнаҳоё ёдимдан чиқмаганлигидан бўлса керак қанча зўрлашсалар ҳам нонуштага ўтирмадик. Қишлоқ бўйлаб қайтарканмиз, қишлоқликлар бари кўчада, ким уйидан кетмон, ким белкурак олиб чиқиб йўлларини тузатишаётганди.

АРМОН

Марғилонлик дўстим Жалолиддин ҳикоя қилиб берган эди:

Ҳаётий анготалар

- Тенгқурларимизнинг олди энди қуда-анда қилишни бошлаган давр. Оғайнимиз Содиқжон кутилмаганда бедаво дардга чалиниб қолди. Шунда ошна оғайнилар ўзаро келишиб, кўриб қолсин деб, Содиқжоннинг тўнғич ўғлини уйлантирмоқчи бўлдик. Унинг розилигини олдик.

Тўй куни. Базм авжида. Каттаю кичик хизматда, Содиқжонни кийинтириб оромкурсисида пешайвонга ўтказиб қўйдик. У беҳолгина ҳаммани кузатиб ўтирар эди. Кеча охирида мен унга: - Оғайни, мана келинлик ҳам бўлиб олдингиз, табриклайман, - дедим.

- Биродар, сизга минг раҳмат, чарчадингиз, энди дамингизни олинг. Эрталаб келсангиз келин саломни биргаликда ўтказамиз, - деди. Унинг ҳолатидан келиннинг қўлидан чой ичиш насиб қилаётганидан мамнунлик бор эди.

Эрталаб етиб келсам Содиқжон йўқ. Кечқурун оғирлашиб қолганлигидан зудлик билан касалхонага олиб кетишибди. Дарров у ерга етиб бордим. Оғайним реанимация бўлимида экан, киритишмади. Ҳамширадан бир парча қоғоз ёзиб киритдим. У хатни олгач, шу оғайним кирсин, деб илтимос қилибди.

Кўрсам ҳоли танг. «Оғайни, бари-бир келиннинг қўлидан чой ичмадим», - деб ўксиди у.

Томоғимга нимадир тиқилди. Ўрнимдан туриб кетдим.

Тўйхонага кириб келганимда келинсалом тугай деб қолган экан. Содиқжоннинг хотинига битта пиёла билан бир чойнак чой беринг деб, келиннинг янгасига юзланиб, ҳозир келин болани бир ёққа олиб бориб келаман, деб машинада биргаликда оргаликка қайтдик.

Машинадан тушишда, болам, ёнверингизга қарамай менинг орқамдан юраверасиз, деб йўл бошладим. Содиқжон бизни кўриб ўзини бардам тутишга ҳаракат қилди. Келин менинг ишорамдан сўнг қайнотасига салом қилди. Кейин мен пиёлага қуйиб узатган чойни паранжисининг ичидан қўл чиқариб олди ва тавозе билан қайнотасига узатди.

Содиқжон қўли титраганча пиёлани оғзига олиб борди. Биринчи қултимни ютди, иккинчи қултим лабининг четидан сизиб чиқди...

ЯНГИСИДАН БОР

Эр-хотин хиёбонда кетмоқдалар. Хотин эрнга дарахтдаги қушни кўрсатиб:

- Анави қушнинг номи нима?. Бирам чиройли сайрар экан-ки!?

- Номини билмадим-у, чиройли сайрашига қараганда ҳали бўйдоқ бўлса керак...

Бир киши дўстига ҳасрат қилмоқда:

- Бўлди тоқатим тоқ бўлди. Хотиним билан ажрашаман. Ахир у мен билан нақ уч ойдан бери гаплашмаяпти.

- Э, дўстим асло бундай қила кўрма. Буни билсанг катта омад дейдилар. Ахир шундай яхши хотинни кейин қайдан топасан?!

ЭКОСАН ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

«Экосан» жамғармасида «Экосан-ТУР» халқаро экотуризм маркази ва Ботаника боғи билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

- Боғимизда тўрт ярим минг турдан зиёд ўсимликлар парваришланмоқда, - деди «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори Озодбек Ашурматов. - Боғ Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Унда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ўсимликларни томоша қилиш мумкин. Лекин 1920 йилда асос солинган боғ қаримоқда. Ундаги дарахтлар, ўсимликларни ёшартириш, яна янгиларини келтириш лозим. Шу мақсадда 2012 йилгача боғни ёшартириш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур республика Фанлар академияси ва Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Учрашувда «Экосан» жамғармаси, «Экосан-ТУР» халқаро экотуризм маркази ва Ботаника боғи билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида шартнома имзоланди. Шунингдек, аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш, илмий ходимларни тайёрлаш, уларни чет элларда ўқитиш, малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Туркистон-пресс»

РУКН Тарихдан тариқча

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Жалолиддин ҲАСАН

Яксара қисмати

(Тарихий достон)

ҚУЛЛИКДА

Яксара қул қилиб сотилди, э воҳ,
Эллада тупроғи барига гувоҳ.
Танлаган «мол»идан турк Башар мамнун,
Хайрли бўлди, деб ўйлар эди кун.
Яксара турк, юнон тилин биларди,
Одоб меъёрига амал қиларди.
Юнон дини, унинг чин ниятини,
Юнон фалсафаси моҳиятини
Чуқур билар эди, тушунар эди,
Бу ҳур аёлларга хос ҳунар эди.
Ҳуснда тенги йўқ паридир у,
Одобнинг ягона бир заридир у.
Қизлар тарбиясин ўйлаб турк Башар,
Яксарани сотиб олди муқаррар.
Отанинг ишидан шод эди қизлар,
Яксарани устоз ўрнида сизлар.
Бу таскин берарди аёл қалбига,
Яна кулгу қўнди унинг лабига.
Гарчи ватанидан яшар фироқда,
Ваҳимали тунлар қолди йироқда.
Кўнди шу уйда у ётиб-туришга,
Кўнглида илиқ ҳис уйғонди ишга.
Зулмат ёришгандай туюлди унга,
Гуё мазмун кирди ҳар ўтар кунга.
Тарбия ишлари бўлганди маъқул,
Қизларга мураббий, бўлса ҳамки қул.
Жузъа ва Зулайҳо - Башар қизлар,
Отанинг қувончи, кўрар кўзлари.
Жузъа - саккиз ёшда, учда Зулайҳо,
Фикрлари тиниқ, ақлда - расо,
Қўлларига тутиб қалам - хомани,
Яксара ўргатар одобномани.
Ҳаётда йўллари бўлсин дея, оқ,
Арасту илмидан берарди сабоқ.
Дер: Киши кишига дўсту биродар,
Дўстлик билан дунё тутар бехатар.
Дўстлик ёритарди қоронғу уйни,
Дўстлик аритади ғамлардан ўйни.
Дўстлик одамзотга меҳр қуёшидир,
Шу меҳр қуёши - Ҳаёт бошидир.
Моддий асосидир яшашнинг меҳнат,
Меҳнатдан гўзаллик кўтаргуси қад.
Меҳнат билан фақат кўкаради боғ,
Меҳнат мевасидан кўнгил бўлур чоғ.
Ким севиб меҳнатни қайиштирса бел,
Уни ўз бошига кўтаради эл. -
Қизларга сингдирди шундай гапларни,
Ўргатди юнону туркча ҳарфларни..

УСТОЗ

Яксара қизларнинг устози эди,
Ҳамма бу устоздан кўп рози эди.
Беш йил мобайнида топди у камол,
Шогирдлари каби очилди жамол.
Қизлар ҳурмат билан муаллимам, дер,
Ишлар эди тўкиб манглайидан тер.
Китобларда қандай илм бўлса, бас,
Уларни ўргатди орттириб ҳавас.
Қизлар кам бўлмади олиш, қўшишдан,
Огоҳ бўлди савдо-сотиқдай ишдан.
Билдилар табиат сир-синоатин,
Ўрганди сув остин ва тупроқ қатин.
Сиҳат-саломатлик соҳасидан ҳам,
Қизлар ўрганишди ҳаттоки кам-кам.
Югуриш, ўйнаш, соф ҳавода бўлиш -
Бичиш, тикиш, тўқиш сингари юмуш,
Қизларга маҳсулот бўлди неча вақт,
Ҳатто от минишда кўрсатдилар шаҳд.
Таом тайёрлашу безаш дастурхон
Одатий бир ишга айланди чунон...

(Давоми бор)

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚУЙ (21.03-21.04)
Хориждан анчадан бери интиқлик билан кутаётган муждалардан ваниҳоят бохабар бўласиз. Лекин хулоса чиқаришга шошилманг, яна хабарлар кутинг.

СИГИР(22.0420.05)
Шу кунларда молиявий жиҳатдан анча фойдали таклифларга йўлиқасиз. Уларни қабул қилиш борасида мутахассис билан маслаҳатлашинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни дамда аҳволингиз бироз чатоқ. Лекин қайғурманг, сизга ёрдам берадилар - кутилмаганда раҳбариятингиз томонидан қўллаб-қувватланасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Бир йўла бир нечта йўналишда муваффақият қозонишга бўлган интилишингиз сизга ортиқча ташвиш келтиради. Яқинларингиз сизга хайриҳоҳлар.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Атрофингизда парвона бўлаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам сизга ҳақиқий дўст эмасликларини унутманг. Акс ҳолда муҳим ишларда панд ейсиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда касбий маҳоратингиз юқори даражада. Оддий юмушга ҳам ижодий ёндошмоқдасиз, бу ҳолат айни кунлардаги ютуқларингиз гаровидир.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Нисбтан озроқ вақт ва саъй-ҳаракат сарфлаган ҳолда бир неча муҳим ва оғир юмушларни муваффақиятли адоғига етказасиз. Бу жуда соз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда ҳаётингизда кечадиган воқеалар «ўз уйим - ўлан тўшагим» деган мақолни яна бир бор ёдингизга солади. Сафар заҳматларини бошдан кечирасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Сиз учун омадли кунлар давом этмоқда. Вазиятдан қулай фойдаланганингиз, сизга бундан кейинги анча фурсатни хотиржамликда ўтказасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Айнан шу ҳайта охирида иш жойингизда жиддий кўнгилсизликлар юз бериши мумкин. Ҳар қандай вазиятда совуққон бўлишни маслаҳат берамиз.

КОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда сизнинг ижодий куч-қувватингиз ҳар доимгидан салмоқли. Ҳатто дам олиш кунларини хизмат жойингизда ўтказасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Айни кунларда оилавий можаролар, турли рўзғор ишлари оғушида қолишингиз ммкин. Яхшиси, муаммоларни «тўрт девор ичида» ҳал қилганингиз маъқул.

«Mahalla» газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, фахрий журналист Исмоил СУЛАЙМОНОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Обуна-2003 «Обод маҳалла» йилида Mahalla ни ўқинг!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойнаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - Mahalla га ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамиша шаймиз!

Мулоқот учун телефон: (8-3712) 136-53-93, 136-57-62

Обуна бўлишга кечикманг!
Муддат: бор йўғи бир ҳафта.

Ўрзиқиб кутилган оппоқ дамлар

Табриклаймиз!

ҚАРШИБОЕВ Убайдулло акани 25-декабрь таваллуд топган кунлари билан турмуш ўртоғи Замира, укаси Ойбек, синглиси Шоира, фарзандлари Ферузжон ва Нигорахонлар самимий қутлайдилар. «БАХТИМИЗГА ҲАМИША ОМОН БҲЛИНГ!»



-Эчкингиз бир амаллаб бир нима туғиб берар, лекин суюнчисини олдиндан чўзаверинг.

Ҳусан СОДИҚОВ чизган.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Абдусалим ТОШБОБОЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Буюртма Г-1026 Топширилди– 21.50